Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**21.01.2022 даги**

**"ABDULLO FARM SAVDO SERVIS" MCHJ ва Бекобод туман тиббиёт бирлашмаси ўртасида 1962500,00 сўм умумий суммага тузилган 34-А - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054

Шахсий ғазна хисобварақ 100022860272207072120054001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4252412 | | | |
| Январь | 1 000 000,00 | | | 1 000 000,00 |
| Февраль | 962 500,00 | | | 962 500,00 |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **1 962 500,00** | | | **1 962 500,00** |

Жами 1962500,00 сўм Бир миллион тўққиз юз олтмиш икки минг беш юз сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан __________ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан ______% ***20___ ____________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ (имзо) Б.А.Бобожонов
Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ (имзо) Хаиткулов Л. К.
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________ (имзо)

«___» ______________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________ (имзо)

«___» ______________ 20___й.

# ШАРТНОМА

| Наманган шахар | №34-А | 2022й. "21 "январь |
|---|---|---|

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **«Abdullo Farm Savdo Servis» МЧЖ** номидан иш кўрувчи **Казаков А** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи **Бекобод туман тиббиёт бирлашмаси** номидан бюджет ташкилоти раҳбари Б.А. Бобожонов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган холда (махсулот) ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш мудати қуйидагича белгиланган.

| № | Махсулотлар номи | Ўл. бирлиги | Миқ-дори | Етказиб бериш нархи | Суммаси | ККС хисоби | Етказиб беришни ККС хисобга олинган суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Реагент М-30DDiluent, Разбавитель изотонический 20 л" | Штука | 2,00 | 511 500,00 | 1 023 000,00 | 0 | 1 023 000,00 |
| 2 | "Реагент Фибриноген-тест.Состав набора: тромбин – 8 фл. по 2 мл, имидазоловый буфер – 1 фл. по 5 мл, плазма-калибратор – 1 фл. по 1 мл 160*320" | Штука | 1,00 | 790 000,00 | 790 000,00 | 0 | 790 000,00 |
| 3 | Реагент (Масло иммерсионное 100 мл) | Флакон | 2,00 | 65 000,00 | 130 000,00 | 19 500,00 | 149 500,00 |
| | **Жами:** | | | | **1 943 000,00** | **19 500,00** | **1 962 500,00** |

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **1 962 500,00** Бир миллион туккиз юз олтмиш икки минг беш юз сум 00 тийин.Кушилган киймат солиги билан.

2.2. “Харидор” олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган, яъни _30_ фоиз аванс тўловини олдиндан “Етказиб берувчи” хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. “Етказиб берувчи” тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичида товарларни “Харидор”га етказиб беради.

2.4. “Харидор” тақдим этилган хужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил хисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Етказиб бериладиган товарлар кийматини хакконийлиги «Харидор» зиммасида булади.

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган товарларни учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

Товарларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.Олинадиган товарлар нархига бюджет ташкилоти жавоб беради.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди,

бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. 5.2. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳаклидир.

6.3. Форс-мажор холати, яъни томонларга боглик булмаган холатлар ( ёнгин, сув тошкини шу каби енгиб булмайдиган кучлар) юз берган такдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдикланиб сўнг газначилик булинмаларидан руйхат утказилгандан кейин кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»

**«Abdullo Farm Savdo Servis» МЧЖ**

мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Наманган шахри,Гишткуприк МФЙ,Уйчи кучаси ,3-уй

Тел./факс: +99895 300-80-50

Х/р: 20208000200247504001

Банк номи: АИТБ "Ипак Йули" Наманган филиали

МФО: 01054 СТИР:302679387

ОКЭД:46460

Раҳбар: ________ Казаков А.В

(имзо) (Ф.И.Ш)

М.Ў.

**Хукукшунос:** ____________

**Бекобод туман тиббиёт бирлашмаси**

Манзил- Ташкентская область Зафар ш.Абу Али Ибн Сино 3

Тел./факс:

Ш/Х:

СТИРи: 200555997 ОКЭД:

Узбекистон республикаси молия вазирлиги газначилик булими:

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент булимии

МФО : 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар ________ Б.А.Бобожонов

(имзо) ( Ф.И.Ш)

М.Ў.

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ ____

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Bekobod tuman Tibbiyot birlashmasi va "Abdullo Farm Savdo Servis" MChJ bilan tuzilgan №34A-sonli shartnomasi to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Bekobod tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 20 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan. *(xujjat raqami XW08336513)*

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult B.I.Inomjonzoda.

2022 yil 21 yanvar